

ЖАЛДЖ СУЗИ

Газета 1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

25 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА. № 187 (438).
1992 йил
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЕТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТУҒРИСИДА

Жаҳон иқтисодий алоқалари, давлатлараро муносабатлар ва дипломатия соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Халқаро ҳамжамиятга кириши, хорижий мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ўрнатилиши натижасида пайдо бўлган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш маъносида:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши сиёсий ижроия комитети билан республика Вазирлар маҳкамасининг Тошкент шаҳридаги савбатшунослик ва бошқарув институтини тугатиш ҳамда унинг моддий негизда жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисидаги тегишли қарор қабул қилинсин.

2. Куйдагилар университетнинг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

— жаҳон иқтисодиёти, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва халқаро журналистика соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;

— худди шундай йўналишдаги чет мамлакатларнинг университетлари билан илмий, маданий ҳамда бошқа амалий алоқаларни ривожлантириш ва мустақимлаш, улар билан ҳамкорлик ва уз-узро ёрдам тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузиш;

— мазкур иқтисод бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишда бошқа мамлакатларнинг ўқув юрталари, давлат, жамоат ва хусусий тузилмалари, фирмалари, банклари билан ҳамкорлик қилиш;

— талабалар ва ходимларнинг чет элларда малака оширишларини таъминлаш;

— хорижий мамлакатларнинг элчихоналари, консулхоналари, савдо ва бошқа ваколатхоналари ҳамда ташкилотлари билан амалий алоқалар асосида халқаро муносабатлар соҳасида кенг иқтисодий мутахассислар тайёрлаш жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш;

— ажнабий олимлар, мутахассислар, ишбилармон кишиларни кенг қўллашга жалб этиб, университет иқтисоди бўйича шартнома асосида турли мактаблар, курслар, семинарлар, услубий ва маслаҳат пунктларини ташкил қилиш;

— жаҳон иқтисодиёти ва бизнес, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва журналистика соҳасида кўп томонлама тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича илмий марказлар, кенгашлар, лабораториялар ташкил қилиш, шу жумладан шартнома асосида барпо этиш.

3. Узининг валютаси жағмармасини ажузга келтириш, шу асосда моддий-техника базасини мустақимлаш учун университетнинг ақлий имкониятдан фол фойдаланилисин.

Шу мақсадда тегишли банк муассасаларидан сўм ҳисоби билан бир қаторда валюта ҳисоб рақамлари очилсин; университет ташкил этилган кундан бошлаб дастлабки беш йил мобайнида у барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

4. Университет раҳбариятига тул маблағларини сарфлаш бораида тула мустақиллик берилсин.

Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг касб малакаси ва маҳорати ўсиб боришини эътиборга олган ҳолда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни таъминлаштириш бўйича таъбирлар ўтказишга рухсат берилсин.

5. Университетни ривожлантириш жағмармаси очилсин. Унинг даромадлари турли манбалар ҳисобидан, шу жумладан ажнабий фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ионари, шунингдек тижорат фаолияти ҳисобидан ҳосил қилинсин.

Вазирлар, надаралар, концентрлар ва ходимликлар университетнинг моддий техника базасини мустақамлашга ҳар жиҳатдан кўмаклашсинлар. Университет мустақил Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1992 йил 23 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ, АҲОЛИГА МАНИШ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ДАВЛАТ САВДОСИ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТАСАРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг «мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» қонунига мувофиқ ва бозор муносабатларини кенг жорий этиш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мулкчиликнинг жамоат ва хусусий шакллариини ажратиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкнинг бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, Ўзбекистон «Савдо» давлат акциядор уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолига машиный хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари иттифонининг маҳаллий саноат, аҳолига машиный хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Маҳаллий саноат, машиный хизмат, савдо ва умумий овқатланиш давлат корхоналарининг 1-3-йилларга мувофиқ 1992-1993 йилларда мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказишга доир ташкилий тадбирлар тасдиқлансин.

2. Давлат мол-мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида мазкур тармоқларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб қўйиладиган қондаларга амал қилинсин.

Иجتимоий адолатни таъминлаш, ҳар бир ходимнинг ва умуман меҳнат жамоасининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

корхона (ташкilot)ни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, шунингдек, меҳнат жамоаларининг талабномаларига биноан тузилмалар қўйи бўғинларининг тайёрлигини ҳисобга олиб, уларни биринчи навбатда ўзга шаклдаги мол-мулкка айлантириш

мазкур корхонадан пенсияга чиққан меҳнат фахрийларига, шунингдек, унда камидан 10 йил ишлаган меҳнат жамоаси аъзоларига ақчаларини сотиб олиш, мол-мулкни энгил шартлар билан ва бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиш имконияти бериш

давлат тасарруфидан чиқариладиган корхоналар баландликда ижтимоий ёрдамчи тармоқлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш нишонларини меҳнат жамоаларининг мулкчи қилиб текинга топшириш

туғалланмаган қурилиш нишонларини ва давлат корхоналарини (ташкilotларини), уларнинг ички бўлимларини асосан ким оиди савдоси ва танлов йўли билан хусусий мулк қилиб сотиш; давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг тула ошқоралигини, тармоқ ходимлари

нинг бундан батафсил хабардорлигини ҳамда корхоналарнинг жамоалари, касаб-ушмалари ва бошқа жамоат ташкilotлари томонидан назорат қилинишини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, унинг ҳудудий бошқармалари «Маҳаллий саноат» корпорацияси, «Ўзбек савдо» уюшмаси, Ўзбекистон аҳолига машиный хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкilotлари республика иттифони, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимиятлари билан биргаликда ўз лиий саноат, аҳолига машиный хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан режаланган тадбирларнинг белгиланган муддатда амалга оширилишини таъминласинлар, уларга амалий ёрдам беришлар.

Дастлабки жағмармаси 5 миллион сўм ва ундан кўпроқ бўлган корхоналарни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Олий Кенгаш Раёсатининг 24 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раиси Қ. А. Аҳмедовнинг Самарқанд вилоятининг 301-Қорадарё сайлов округидан сайланган халқ депутатини қақриб олиш юзасидан ўтказилган овоз бериш натижаларини тўғрисидаги ва ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Навоий вилоятининг 330-Хатирчи сайлов округи бўйича ўтказилган халқ депутати сайлови ҳақидаги ахбороти эшитилди.

шўра сайлов округи меҳнат жамоаларидаги ва аҳоли йиғилишларидаги муҳомамаси юзасидан Олий Кенгаш Раёсатига тушган материаллар қараб чиқилди. Жойларда мазкур масала муҳомамаси чоғида бу тақлифи округ сайловчиларининг ўн фозадан ҳам зиёдроқ қисмини қаўлаб-қувватлаганини эътиборга олиб, халқ депутатини қақриб олиш тартиби тўғрисидаги Қонунига мувофиқ Раёсат вилоят ҳокимига депутатликдан қақриб олиш юзасидан Қонунда қўзда тутилган шундан кейинги барча тадбирлари Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда амалга ошириш учун тегишли округ комиссияси тузишини топширди.

Раёсат 301-Қорадарё сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ш. Р. Мирсаидовнинг 1992 йил 20 сентябрда сайловчиларнинг кўпчилиги овози билан депутатликдан қақриб олинганлиги ва унинг депутатлик ваколати шу йил 23 сентябрда муддатидан илгари тўхтатилганини маълумот учун қабул қилди. А. А. Айдаркулов Навоий вилоятининг 330-Хатирчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати этиб сайланганлиги муносабати билан унинг Инзозх вилоятининг 378-Чимкўрғон сайлов округидан депутатлик ваколати тўхта-тилди. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 54-моддасига биноан Марказий сайлов комиссиясига ўрни бўшаб қолган халқ депутатлари ўрнига белгиланган муддатда сайлов ўтказиш тасвия этилди.

Сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси халқ депутати И. Турсуновни депутатликдан қақриб олиш тўғрисидаги тақлифларнинг Фарғона вилояти 444-Чек-

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг ваколат доирасига кирувчи бошқа баъзи масалалар ҳам қараб чиқилди.

ЙИГИРМА ИККИ «ЗАНГОРИ КЕМА»

Деҳқон йил бўйи қилган меҳнати самарасини қўрадиган, галларини сувдан кўтарадиган дөмлар этиб келди. Бугун дөмларга терим машиналари олиб чиқилди.

Косон районидagi АБ-механик ҳайдовчилари маддулла Набиев номли давлат хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб машина теримга киришдилар. Хўжаликнинг Эркин 350 гектарлик майдонига Боборажабов, Саид Ҳайитбоев, Тўйчи Холияёзов, Холқ Нўраев, Раҳматулло Хуррамов, Пўлдош Азизов, Бозор Сунопов каби вон, Пахта хирмони барана-

ли бўлаётир. Хўслининг ерга тўкилишига йўл қўйилмапти. Механизаторларнинг ҳар бири теримнинг илк кунийё 10 тоннадан пахта терти хирмонча тўқилди. Эрта-индин хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам машина терими оммавий сурьатда бошлаб юборилди. Масвудма мавжуд 22 та терим машинасининг ҳаммаси ишлатилди.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Фарҳод РУЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЕНГИВ ЯШАШТА МАҲКУМ ХАЛҚМИЗ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ
ВА ТАРАҚҚИЕТ ЙЎЛИ» АСАРINI УҚИГАНДАН СУНГИ УЙЛАР

Асримиз комсоматика, электроника ёки ахборот асрига эмас, империяларнинг туғани, мамлакатларнинг бўлиниши билан ҳам ўзига ҳосдор. Бу жараён яна давом этиши аҳтимолий ҳоли эмас. Дунё сиёсий харитаси мутлақо ўзгармоқда. Баъзи давлатларнинг қирғиғи абадий ўқди, янгилари дунёга келди.

Куба, Шимолий Корея ва қисман Албаниядан бўлган бозор муносабатлари ва демократик жамият модели сари оидламаётган мамлакат қолмади. Бундай ўзгаришлар Бразилия, Коста-Рика, Перу, Уругвай, Боливия, Ямайка, Алжир, Миср, Зимбабве, Танзания, Эфиопия, Никарагуа, Камбоджа, Вьетнам, Мозамбик, Польша, Болгария, Чехославакция, Югославия, Россия, Украина, Беларусь, Болгибўйи, Кавказу Урта Осиё республикаларида ҳам содир бўлаётир.

Хуллас, Оврупадан тортиб Америка, Осиё — Африка қитъаларидаги социалистик йўналиш ва коммунистик тузум ҳўқирон давлатлар ҳаётида янги иқтисодий муносабатлар, кўптартиявийлик тизими ҳақиқатга айланди. Дунё ҳамжамияти демократияни ривожлантиришни муқаррар қилиб қўйди. Биз оқорда яшамаямиз, табиқий, юқоридаги жараёнлардан ажраб қололмаймиз. Ўзбекистон ҳам бозорга асосланган янги жамият қуришни заруратдир. Янги вақтда бу фақат мақсад эмас, балки янги кадрларнинг шакллантириш, одамларнинг фаровонлигини янги босқичга кўтариш востисадир.

мулк, ердан фойдаланишни хусусийлаштириш, чет эл инвестициясини олиб кириш ва бошқа демократик жараёнларни, худди Хитойдаги ислохот сингари, комартия амалга оширмоқда.

Йиллар давомида шаклланган тизимларни демократия омон буриб юборди.

Шарий Оврупада эса бунинг тексирисини кузатиш мумкин. Россия йўли қурма сиваста Ўхсиятда. Улар Польша вариантга яқин «Шок тераняси»ни уладилар. Бу тадбир қандай тугайди, айтиш қийин. Лекин шу нараса аниқ, Польша ва Россияда маънавий-руҳий ҳолат бошқа-бошқа эди. Польшада узоқ йиллар мобайнида бозор муҳитига яқин ҳолат пайдо қилинган, ер хусусийлаштирилган. Россия эса коммунистик мафкура ўчоғи, аҳолининг каттагина қисми люмпенпролетардир. Россия йўли янча қимматга тушади.

Мулоҳазани мухтаасар этиб, дунё мамлакатлари тараққиети тажрибасини умумлаштирсак, уларнинг ривожланиш йўли уч йил: эволюция, инқилобий, ва ислохотдан иборатдир. Буларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳам бор. Ухшашлигининг асоси баҳам-ҳар қайси мамлакатда, ранги-рўйидан қатъий назар, инсон яшайдиган, Унинг аҳтиёжлари орасида

руҳиятига ўрганиб қолган халқимизнинг эса бунга одатланиши мушқул.

Учинчидан, юқоридаги икки ҳолнинг нохуш гирдобига тушиб қолмас, мустақилликни қўлдан бой бериб қўйишимизга ёки ҳокимият тепасига мустамақкараст киши ўтиришига замин яратган бўлур эди.

Аслини олганда ҳар бир қадиминиз англаб етилган ислохот йўлидир. Шу боседан ҳам биз эркин зирқидан қон томан гулролларица тинч йўл билан эришидик. Вазият шундай эдики, инқилобий ёки эволюцион йўл халқ донолигини тўғронта, юртбошининг сиёсий маҳоратини зуравонликка айлантатириши мумкин эди. Бунинг учун чор атрафдаги бўлаётган воқеаларни эслаш kifой.

Энди эса Ўзбек усули — жаҳон оозодлик ҳаракатидаги оламшумул кашфиёт. Эҳтимолки, вақти келиб, Ўзбек модели эркин тараққиёт йўлига кирган баъзи давлатлар учун кўзгу вазифасини ўтар. Агар, Ўзбек кашфиёти Америка ва Европада ихтиро этилганда эди, унинг овозиси дунёни эгаллаб оларди, мезмори эса Нобель мукофотига тақдим этиларди. Афсуски, ҳозирча Ўзбек кашфиётининг овозиси икки дарё оралтида қолиб кетаётир. Албатта, бунинг етарлици сабаблари бор. Бу ҳақида салч кейинроқ тўхталамиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон эволюцион ва инқилобий эмас, ислохот, аниқроғи, англаб етилган ислохот йўлидан юришга мажбур. Бу модел эволюция ёки инқилобий йўлини у ёки бу соҳада ўтказишни инкор этмаган ҳолда ислохот қилинадиган соҳаларни аниқ англаб етишимизни тақозо этади. Бунда янги давр учун даромадлар, замонавий бошқарув, иш юритиш усулини биладиганлар бармоқ билан саналгудек эмас, миллоқлаб кишилардан иборат бўлиши кўтилади. Ҳаётида янги қондаларни, бозор унсурларини қабул қилиш учун онг, тафаккур етилади, жамиятни ўзгартириш учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар мувоозанати таъмин этилиб, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада натта ислохотлар ўтказилди.

Визинг янги демократик жамият қуришимиз ва бозор иқтисодиётига ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятлардан бири — шу. Бир босқични тугатиб, зарур шарт-шароитлар яратиб бўлгандан кейингизда янги босқичга ўтиладиган бўлади. Бунда ҳар босқичнинг усули (Давоми 2-бетда).

Истиқлол оғушлари: СУРЖОНДАРЁ



ЭРКИНЛИКНИНГ ИБТИДОСИ

Ҳаким БЕРДИЕВ, вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати.

Мана, Ўзбекистон Республикасининг бир йиллигини, унинг Истиқлолни нишонлади. Еши эллиқдан ошган, узоқ йиллар катта раҳбарлик лавозимларида ишлаган одам сифатида бир гапни айтман: яқин-ўртада Ўзбекистон хали бундай байрамни кўрмаган эди.

Бир қарашда ҳозирги тақчиллик паронитда бундай тўқин-сочин хурсандчиликларни ўтказишнинг имкони, илоҳи йўққа ўқшаб кўринади. Аммо Ўзбекистоннинг мустақиллигини бутун мамлакат, жаҳондаги барча биродарларимиз байрам қилдилар. Республикаимиз Президент Ислам Абдуганиевич Каримов иборалари билан айтганда дунёда мустақилликдан, эркинликдан — истиқлолдан улуг байрам бўлмас экан. Истиқлол — бахтнинг, демократ эркинликнинг ибтидоси эканлигини тобора англаб етайтирмиш. Буни Ўзбекистон Республикасининг жаҳоний дарвозаси номини олган Сурхондарё вилояти мисолида ҳам кўзатиш мумкин.

Илгарига қараганда кўпайганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Ваҳоданки, спиртли ичимликларнинг нархи бундан бир-икки йил илгарига қараганда ўн баробар қиммат.

Қадимий Бақтрия империясини, унинг тарихини китоблардан ўқигансиз, у жаҳондаги нуфузли тўртта империя билан рақобатлашар экан. Бу ерда маданият, санъатнинг ривожланиш шу даражага етгани, ҳайкалтарошлиқ кўчликнинг оддий хунари бўлган. Бақтрия — сурхондарёликларнинг улуг аجدлари эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, менинг ҳозир нима демоқчи бўлаётганим аён бўлади. Бу юртининг деҳқонлиги шу даражада баланд эдики, Александр Македонскийдан тортиб Чингизхонгача унга от солди. Агар бу ўлкалар ноҳар ва нообод бўлганда, ҳатто бошқичилар ҳам қайрилиб қарамас эдилар. Ўн иккинчи асрда Термизга йўли тушган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттунийнинг кўрганларини ўқисангиз энтиқиб кетасиз. Термиз шаҳрида ҳаммомлар кеча-кундуз ишлаб турган, бу шаҳарнинг қаровон-саройларида барча ўлкаларнинг тижоратларини учратиш мумкин бўлган. Ҳақиқатан ҳам бобомиз Амир Темур иборалари билан айтганда, дунё тижорат ила ободдур! Фаранг қироллига ёзган мактубида у киши худди ана шундай дейдилар.

Бундан ташқари, бу йил галла экилган майдонлар кескин кўпайди. Чунки биз олдинги йилдаги қараганда бошқадки донни 40 минг тонна кўп етиштирдик. Галла майдонларининг кенгайиш пахта экиладиган майдонлар ҳисобига бўлганлигини айтиб ўтирмас экан бўларди. Бизга бир йил учун 200 минг тоннадан зиёд уни керак. Ҳозир ана шунча уни тайёрлайдиган тегирмон бор. Аммо буғдойни чет элдан ташиб келтиришқандимиз. Қиммат, жуда қимматга тўшди. Чунки, йўл қаражатлари ҳам бизнинг бўйинидади. Ҳазил майдонларининг кенгайтирилиши, Чунки, пахта қанчалик бебаҳо бўлмасин, ҳозирча уни бе бўлмапти. Агар Иттифок таркибидан турганимизда бир гектар ҳам пахта майдонини қисқартира олмадик.



Учрашувларда, суҳбатлар чоғида Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг истиқомат тарзимининг ноҳорлашганлиги ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб қоламан. Ундок бўлса нега қассобхоналарда гўшт турмайпти? Рангли телевизорнинг айна кулардаги чакана нархини биласиз, аммо нега уни магазинда тополмайсиз? Озиқ-овнат маҳсулотларининг нархи кескин оширилди, аммо улар қаёқда учрамапти. Тўйларга сарфланган ичимликларнинг миқдори бундан

БОЙСУНДА АМЕРИКАЛИКЛАР

Яқинда Америкадаги «Лентон» деган фирманинг уч нафар вакили Бойсунга келди ва денгиз сатҳидан 1246 метр баландликда бўлган кўмир кони кўришди. Гап шундаки, мутахассислар Бойсунда жуда катта миқдордаги захирага эга бўлган кўмир кони борлигини аниқлаганлар. Биладиганларнинг айтишларига қараганда, кўмир захираси 160 миллион тоннадан ошар экан. Америкаликлар эса хомчўтни 1 миллиард тоннага чиқариб юбордилар. «Лентон» фирмасининг ишбилармонлари йилга 500 минг тонна кўмир ишлаб чиқарадиган корхона куришмоқчи. Бу ишга 14 миллион доллар сарфланади. Шахтага темир йўл олиб борилади, алоҳида шаҳарча қурилади. Чунки Бойсун кўмири таркибиде қимматли хом ашё — карбид борлиги аниқланди. Бойсун кўмирининг қиммати 48 доллар деб белгиланди. Барча харажатлар кўмир билан қопланади.



Аваллари бу ерда Ленин бобо турар эди...



ЗАМОНА ИШБИЛАРМОНЛАРИНИКИ

Автокорхонамида 250 та машина бор. 300 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Биз асосан сув кўришни ишпошторларда ишлаймиз.

Ойлик ҳақида гапирдим. Бизда ўртача курсаткички икки ярим мингдан ошади. Аммо Ҳакимов, Султонов деган ҳайдовчиларимиз 5,5 минг сўмдан* ойлик олишди.

Кейинги йилларда автокорхонамида раҳбарлар тезтез алмашди.

Шунинг учун ҳам нарбат менга тез етиб келди. Нокамтарлик бўлса ҳам бир гапни айтганим: бошқа автокорхоналарнинг ҳайдовчилари бизга келиб ишлашни орзу қилишди. Нега? Чунки бизнинг автокорхонада ҳамма ойлиқни ўз вақтида олади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Аммо мен пул йўқлигидан қарага кун кўриб юрган идораларни ҳам биламан.

Кўп йил шофёр бўлиб ишлаганим учун бир нарсани биламан: қаерда интизом бўлмас экан, у ерда иш ҳам унум ҳам бўлмайди. Шунинг учун директорликни қўлга олганимдан кейин ҳаммаслар билан келишиб олдик: «Бирга ишлаймишми, йўқми?», «Ишлаймиш!» «Агар, шундай бўлса, фақат менинг айтганим бўлади, ким мендан норози бўлса фақат менга келсин, агар бошқа жойга борса очикчасига, бошқага гаплашамиз!» Бизга итбат эътибордан одамлар жавоб беришимизни олдиндан маълум қилдик. Менинг бу гапларим қайси бир қонунларга тўғри келмас, аммо ҳозир бизнинг кассамизда ойликдан ҳам ошиб қоладиган пул бор. Чунки иш бўлапти, пул келипти. Демак ҳайдовчилар болаларининг қорни тўқ, уст-боши бутун.

Юсуф МЕЛИБОЕВ, Сарносиддаги 31-автокорхона бошлиғи.

Ойлик ҳақида гапирдим. Бизда ўртача курсаткички икки ярим мингдан ошади. Аммо Ҳакимов, Султонов деган ҳайдовчиларимиз 5,5 минг сўмдан* ойлик олишди.

Хайдовчиларга қўлай бўлсин деб, автокорхонанинг ичидан махсус магазин очтирдик. Хайдовчилар учун зарур моллар ана шу ерда сотилади.

Тўқсон иккинчи йилнинг сангиз ойини ўтказдик, ҳали биронта йўл-транспорт ҳолати содир бўлгани йўқ. Бу интизомнинг қаттиқлигидан, Шундай интизом ўрнатилганлиги учун ҳам кечалари уйда хотиржам ухлайман. Чунки бизнинг машиналаримиз доим йўлда бўлади.

Биласизми, одамнинг еши бир жойга, айталик, қирққа эки элликка борганда қайси соҳа билан шугулланмасин тарихни ўрганишга иштиёқ, тўғриси аҳтиёж пайдо бўлар экан. Бу одамнинг ўзини англашга бўлган интилишидан бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки ҳаммамиз ҳам артамин-кечми. «Хўш, мен ўзи қимман?» деган саволга рўнара келамиз ва бу саволга жавоб бермоқ учун тарихни титкилашдан ўзга йўл ҳам, таскин ҳам йўқ.

Кўёнинг нури барча жойга баробар тўуса-да, бир жойда гул ушадиган, бир жойда тикон. Ана шунинг учун ҳам жаҳонга Имом Термизийдай алломаларни берган юртга тасаннолар айтмоқ керак.

Ал Ҳаким Термизий мақбараси қонида бир маҳаллар жуда катта қишлоқ бўлган дейишади. Қирқ йил эзон эшитмаган аялдоҳ юрғога айланар экан. Ҳалиги қишлоқни юрғо ютган дейишади.

Кум уюмлари орасидан пишиқ гишт қатламлари чиқари — демак аялдоҳ пишиқ гишти эмас экан-да.

Бундай, худобехабарлик Шўро замониде кучайди, Термиз атрофида кўнми тоғдан қийил аскарлар миораларни тўқдан ўқча тутти машқ қилар эканлар.

Уз қадриятларини биронинг оёғи остига ташлаган халқнинг келажаги йўқ.


Бундан бир ярим минг йил илгари ҳам Термизда

АСЛИГА ҚАЙТАЁТГАН ЮРТ



нарсонийлар бор эди. Улар унчалик кўп бўлмасдан, ибодатхонаси шаҳар деворидан ташқарида эди. Ҳозир эса Термизнинг қоқ ўртасида нарсонийларнинг черкови жойлашган. Аста-аста мусулмонларнинг ҳам маҳити пайдо бўлаёттир.

Мен дилларинг ҳеч бирни қамситмоқчи эмасман. «Дин — восита, мақсад эса Худодин!» деган гап айни ҳақиқат.



Тезкор ва муҳим хизмат

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХУЗУРИДА «ҚҲРИҚЛАШ» ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ.

«ҚҲРИҚЛАШ» хизмати давлат ва шахсий мулкни ҳимоя қилишга ихтисослашган давлат миқёсдаги ягона ташкилотдир. Фаолиятининг ilk даврида милиция хузурида идоралардан ташқари қоровуллик хизмати кичик база, омбор, катта бўлмаган маиший хизмат устaxonалари ва шунга ўхшаш бошқа объектларни қўриқлаш лозим бўлган бу хизмат ходимларига ўша пайтларда техника воситалари етишмасди. Республика бўйича ҳаракатланувчи техникadan атиги 5 мотоцикл 49 велосипед бўлиб, қоровуллик тарихи бердан-налару хуштаклар билан қуролланган эди.

Бешарик районидagi «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги «Фаргона-3» навили уруғлик пахта етиштириб, яхши даромад қилмоқда. Даромадга яраша буромад деганларидек, кейинги йилларда хўжаликда қатор маданий-маърифий масканлар қуриб ишга туширилади.

СУРАТЛАРДА: 1. Маданият-қурилиш ишлари бўйича раис муовини Рўзимбой Усмонов янги бо-

лалар боғчаси тарбиячилари билан. 2. Шу хўжалик худудидаги Қашқарқилишда янги қурилган поликлиника биносининг умумий кўриниши. Турғунбек МАҲҚАМ олган суратлар.

ЛАПАРОСКОПИЯ БАХТ ҲАДЯ ЭТАДИ

Миллати, ирки, урф-одати удуларидан қатъий назар, инсониятнинг энг эзгу хусусиятиларидан бири ўзидан зурриёб қолдиришидир.

Лекин айрим касалликлар ва улар билан боғлиқ обьектив сабаблар борки, инсонни бундай имкониятдан баёҳра қолдиради. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий маркази тасарруфидagi акушерлик ва генетология институтида ишлаб турган мураккаб электрон техника бўйича инсонларга ҳам ота-она бўлиш бахтини ҳади этмоқда. Бу даргоҳда янги лапароскопия даволашчи электрон қурилма ишга туширилган.

Маълумки, шу вақтгача ҳомиладор аёл организмидagi чигал ўрамалар жарроҳлик йўли билан тарқатиларди. Бу мураккаб вазифани лапароскопия асбоби ташқарида тасир кўрсатиш оқали бажаради. Муҳими, бунда бемор ҳеч қандай сезимсиз бўлиб қолмайди, жараҳат йўл қўйилмайдиган ҳолатда бемор ҳеч қандай сезимсиз бўлиб қолмайди, жараҳат йўл қўйилмайдиган ҳолатда бемор ҳеч қандай сезимсиз бўлиб қолмайди.

ЭЛДАН АЯМАГАЙ БОРИНИ «НАВРҮЗ»

Бундан тахминан олти аср муқаддам яшаб ўтган улуг Ҳомий ўзининг ҳазрат Навоий билан дўстлигини назарда тутиб бир дарвеш саволига шундай жавоб берган:

«Палончига эрусан қандайин хеш, Дебон мейдан сўрар девона дарвеш. Дедим тоқимеку ул турки барлос, Жудо бўлмас эту тирноққа биз хос».

Худо Ўзбекистонни йиғирманчи асрнинг сўнгги чоригада ярланади, балою қавадан асради. Қардош Тожикистондаги аҳволни бу тасаввур этинг, Деярли Ўзбекистон, билан бир хил жубоғиқ иқлимга эга, мовий тоғлар ва серхосил далаларга бой жаннат макон дийр. Ман-манлигу тус-туполонлар касофатидан бечора халқ бир бурда нонини хил азабда топиб эди. Оқ уриб эслайдиган бўлса, улар бизга бегона эмас, ораларида бир миллионга яқин юз минг сизу бизга ўхшашан, лек аяч қисмати Ўзбекиларимиз ҳам бор. Уларнинг бахтираролиги бизларга дарс бўлиши керак. Ақли солим одамлар, инсониятнинг маданият пешволари доимо ўз элнинг фаровонлигини истайди.

Хали ҳеч бир жумҳуриятда Ўзбекистондангек ўқитувчиларга, табибларга, олим-ижодкорларга, қаламини найза қилиб юрган шоиру маси фаолияти дунё қадар кенг. У ҳеч қимнинг арзасини бизга тегишли эмас экан, деб қайтармади. Ўзбекистон чернобилчилар уюшмаси раиси Карим ака мурожаат қилиб, ўзларини тиклаб олиш учун енгил шартлар асосида бир миллион қарз сўраган эди, бу масала ҳам ижобий ҳал қилинди.

Бундан ўн йил бурун Самарқанд вилоятининг Чоқан қишлоғида ота-оналаридан бевақт ажралган 4 етим қиз ва бир сағир бола холалари Лаозат Файзиёвнинг жонқирлиги билан воғга етиб, ўзини етим қизларнинг тўғричилиги бахт тўйи бўлиб, «Наврўз» хайрия жамғармаси «Энаси ўрнида энчи» деб соғин ситир ҳади қилди.

Чирчиқ шаҳрида ўтказилган хайрия сайлида ҳам қўл-бақари муҳтошларга эҳсон улашди. Жуьладан, Жигаристон фондасидан омон қолган Қурол Раҳовга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов номидан эллик минг сўм топшириди. Қаҳрамон оналар Умринисо Абдушукророва, Ҳадида Қуромбоева ва ноғиронлар оиласи Мехринисо ва Анавар Шоносировага соғин ситирлар, уч келин-куёвга хар бири 22 минг сўм турадиган мебель, беш ноғирон болага ҳар бири уч ярим минг сўм турадиган аравача, истиқлол арафасида турган Чирчиқ сарбозларининг ўн чоғли аскарига биттадан қўл соати, икки юбилей мўсафидга уст-бош сарполар ва бошқа кўп совга-саломлар берилди.

Ҳофизу сонадалар, Муҳаммадjon Шокиров, Раҳимқалиев «Баҳор» дастаси раҳбослари хизматда бўлиб, хайрия сайли жуда мароқли ўтди. Ҳофизу сонадалар, Муҳаммадjon Шокиров, Раҳимқалиев «Баҳор» дастаси раҳбослари хизматда бўлиб, хайрия сайли жуда мароқли ўтди.

БУНДАН УЧ ЙИЛ ИЛГАРИ, ТУРАҚУРҒОН ТУМАНИ ХАЛҚ СУДИ РАИСИ МАҲМУДУЖОН ҚУРОНОВ УСТИДАН ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КҮМИТАСИНING ИККИНЧИ КОТИБИ Н. РЯБОВНОМИГА ХАТ ТУШАДИ ВА У БЕВОСИТА РЯБОВНИНГ РАҲНАМОЛИГИДА ТЕКШИРИЛАДИ.

Охир-оқибат М. Қуроновни судьяликдан чиқариб олиш ҳақида қарор қабул қилинади. Сайловчилар йиғилиши ўтказилади ва етмиш бир фўкс сайловчи қачириб олиш учун овоз бердилар, деб расман эълон қилинади.

Судьяликдан кетишга мажбур бўлган М. Қуронов хат бир ёқлама айбон йўли билан текширилди, сайловчиларнинг овозлари қасдан кўпайтирилди, қалбаки протоколлар тузилди, шу йўл билан мени ишдан кетказишди, деб турли жойларга, шу жумладан, «Еш куч»га шикоят эди. Утган йилда журналист май сониди М. Қуроновни ҳимоя қилувчи мақола босилди, текшириш учун республика прокуратурасига, Адлия вазирлигига, вилоят партия кўмитасига жўнатилди. Хўқунни муҳофаза қилувчи органлар мақолада М. Қуроновнинг арзасига янгилик муносабатда бўлиб, ишнинг ҳолисона текшириши ва фактлар тўла тасдиқлангани эътироф қилинди.

«Шаҳадат қилмоқ Советдаги Темирқиллоқ маҳалласида... 2 марта мамли ўтказилиб, уларда мамли 530... сайловчи иштирок этганлиги, ҳар иккала йиғилишга маҳалла кўмитасининг раиси Э. Бозоров расмлик қилганлиги наид қилинган. Пеня Э. Бозоров ўзининг Республика прокуратураси номига ёган тушунтириш хатида... маҳаллада бир марта 30-40 сайловчи иштирок ида йиғилиш бўлганлигини...

жамоа хўжалиги касабасоюз кўмитасининг раиси К. Қосимов, хўжалиқнинг бошқисибчи Т. Асқаров, жамоа хўжалиги раиси ўринбосари С. Ибрагимов, бригада бошлиғи Ж. Жалоловлар ўзларининг тушунтириш хатларида М. Қуроновни судьяликдан чиқариб олишга доир ҳужжатларда улар гўёки жамоа хўжалиқининг устқаларида ўтказилган йиғилишларда вакил сифатида қў-

қилинган деб овоз берди. Қарор протоколи туман советига топширилди. Протокол якуни қаноатлангирмагани учун Раҳмонқул (туман икрония кўмитасининг раиси — Ш. А.) қайта йиғилиш ўтказиб Қуроновнинг ишдан чиқариб олиниши қайта қўриб чиқишни топширди. Мен қилмоқ шўроси худудидаги мақтаб директорларини йиғиб, Раҳмонқулнинг топшириқларини айтдим. Улар бу фикрга қў-

М. Қуронов устидан тушган хат тўғрисида гўёки Рязов номига ёзилганлиги ва у бир ёқлама текширилганлиги, оқловчи томонларга эътибор берилмасдан қўрсонлари ошқириб-тошириб қўриштириш мақсадида Адлия вазирлигига етказишганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Республика прокуратурининг ўринбосари С. Мирсафоев текширув натижаларидан келиб чиқиб, «М. Қуроновни халқ судья-

лидан чиқариб олиш ҳақида овоз беришни ўтказувчи туман комиссиясининг 1989 йил 7 февралдаги қарорини бекор қилиш тўғрисида» Турақурғон тумани ҳоқими О. Бозоров номига тақдимнома юборди. Бирок... 1992 йил 13 апрелда туман ҳоқими хузуридаги кенгаш М. Қуроновни халқ судьялигиндан чиқариб олишни ўтказувчи комиссия қарорини бекор қилишга етарли асос йўқ деб, республика прокуратурасининг тақдимномасини рад қилди. Ана ҳолос! Юқоридеда келтирилган расмий ҳужжатлардан олинган ларчаларни, қалбаки имзолар сайловчилар овози қўлиб ёзилганлигини асослаб, асос йўқ деган хулосанинг тузилишига янги шўбха туғулади. О. Бозоровнинг республика прокуратурасига юборган хатида М. Қуроновни судьяликдан чиқариб олиш юзасидан бўлиб ўтган йиғилишлардан бери уч йилдан

бўсини эрталаб соат 04 ларда талончилик мақсадида икки кишидан иборат қуролланган шахслар тўхта-тишади. Қўриқиб кетган йўловчилар пул ва қимматбаҳо нарсалардан айрилиб қолиши аниқ бўлиб қолган бир пайтда уларнинг бахтига туман ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими милиционер, милиция сержанти В. Жўраевнинг аниқ ва дадил ҳаракати тўғрисида жинойатчилардан бири қўлга олинди. Қўриқлаш бўлими милиционер, милиция сержанти В. Жўраевнинг аниқ ва дадил ҳаракати тўғрисида жинойатчилардан бири қўлга олинди. Қўриқлаш бўлими милиционер, милиция сержанти В. Жўраевнинг аниқ ва дадил ҳаракати тўғрисида жинойатчилардан бири қўлга олинди.

Хўзирги кунда эвазбекистондаги деярли барча катта корхоналар, ташкилотлар, муассасалар уларнинг ишончли муҳофазасидадир. Буларнинг ичиди давлат ва жағмарга банклари, корхоналарнинг кассалари, музейлар, қурол-яроғ, қимматбаҳо металллар, наркотик моддалар сақланадиган хоналар каби ўта муҳим объектлар бор. Умуман, қандайдир моддий ва товар бойликлари кўп миқёсда сақланса, ўша жой қўриқлаш хизматининг қўли остидадир. Бундай объектлар республика бўйича йигирма мингдан зиёд.

Харбийлашган ва қоровул хизмати бўлиналари бошқа объектлар билан бир қаторда халқ хўжалигининг ўн мингта яқин объектини ҳам қўриқламоқда. Улар томонидан ҳар йили мингларча талоччи ва ўғриллар ушламоқдани, давлатга қайтарилган махсулотларнинг умумий нархи юз мингларча сўмини ташкил қилади. Мисол учун, Қирғули тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими қоровуллар А. Қодиров, Э. Аюпов ва А. Турсунов марказлашган қўриқлаш пункти (МҚП) милиционерини милиция сержанти К. Пулатовнинг ёрдамида кечаси соат учларда суғий тери ишлаб чиқарув заводидадан 341 метрлик матон ўғриллаб чиқатган бўлиши шўроҳона ишчисини қўлга олдилар. Аниқлаштиришда, ўғриллик молнинг умумий нархи 15 минг 867 сўм экан.

Сўх пойабал фабрикасининг ишчилари Исроил З. ва Шамсиддин Д. ўзи ишлаб турган корхонадан резина ўғриллаб каниализация ичига яширишди. Аммо кечаси яшириб қўйилган жойга мол учун боришганда қоровуллар Қ. Қосимов, Т. Урозов ва В. Нурматов томонидан қўлга олиндилар. Ўғрилланган резинанинг умумий нархи 107 минг 214 сўм 40 тийин бўлиб чиқди. Аммо (бу соҳада) энг тезкор деб қўриқловчи милиция нарядлари тан олинган. Улар ўз вазифаларини бажариш билан бир қаторда йўналишларидagi қонунбузарлик жиноятининг олдини олишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ҳар йили шў бўлимига ҳодимлар томонидан мингларча жиноятларнинг олди олинди, 50 мингга яқин қонунбузар ва ҳуқуқбузарлар тўғрисида, Сўх тумани қўриқлаш бўлими билан бир миқос келтирсак.

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Шарқ табобатида шифобахш гўёқлардан фойдаланиш қадимдан маълум. Поп районидagi Абу Али ибн Сино номидagi давлат хўжалиги доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган.

Бу ерда 20 хилдан ортиқ шифобахш гўёқлар ўстирилади. Хусусан, тоғ ёнбағридаги 50 гектар неъматзорлардан, 70 гектар майдондаги бўймадорлар, чой ўти, тоғ раҳқони, маккан сано, тирноққулдан йилгига мўл ҳосил олинапти. Булар юрак-қон томирлари, ошқонзон-ичрик, буярқ тоши касалликларини даволашда катта наф беради. Жорий йилда 200 тонна дармондорини саранжомлаш мўлжалламоқда.

Иш олинган пудрат асосида ташкил этилган, эвенюларга Мақдам ота Холматов, Раҳимов Раҳмон ва бири ширкорлар бошқўш бўлганлиги тўғрисида режалар

Э. НОРИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари.

М. А. НАЗАР, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртга Г—197.

МУАССАСА:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОВ.
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўлуҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарова УЛУГОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамис ФАРҲОДИЙ, Шаваҳ ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхорр ФУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
● Таҳририятга ҳафти 7 қороздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.